


ЎЗНОНСН



30 ноябр - 1 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш вазифаларини изчил ҳал этишда муҳим аҳамиятга молик бир қатор қонунлар ва масалалар муҳокама қилинди.

Давр, ёшлар, келажак

Сабок, у китобдан олинadими, устозданми, ё ўз хатолариданми, бундан қатъи назар, у келажак пойдеворининг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Шу маънода «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 29 ноябрда бўлиб ўтган II курултойи ушбу ташкилотнинг келгуси фаолиятини белгилаб берди, десак муболаға бўлмас.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

«Камолот»нинг анжуманга тайёргарлик кўриш жараёнидаги энг диққатга сазовор жиҳати шу бўлдики, ташкилот ўзининг ўтган беш йиллик фаолиятига танқидий руҳ билан ёндашди. Яъни асосий эътибор кўпроқ амалга оширилган ишлар сарҳисобига эмас, балки амалга оширилиши даркор бўлган вазифалар муҳокамасига қаратилди. Низом ва Дастурга ўзгартиришлар киритиш юзасидан айнан ёшларнинг фикри ўрганилди.

Бу борада олти мингдан зиёд таклифлар берилгани икки жиҳатни кўрсатади. Аввало, ташкилотнинг шу давргача амалга оширган ишлари анчайин салмоқли бўлса-да, мамлакатимиз ёшларини тўла қамраб олишга айрим жиҳатлар тўсқинлик қилганини, иккинчи томондан эса ёшлар ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи «Камолот»га нисбатан бефарқ эмасликларини, унинг мақсад ва вазифаларидан ҳам етарлича бохабар эканликларини аналитади.

Энди эса бевосита курултой хусусида сўз юритсак. Анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят, туман ва шаҳар бўлимларидан делегатлар билан бир қаторда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, маънавият-маърифат соҳаси вакиллари ҳам иштирок этди. Бу юртимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг бир инъикоси бўлди. Курултойда Марказий Кенгаш раиси А.Алимов ҳаракатнинг ўтган беш йиллик фаолияти хусусида маъруза қилди. Таъкидлаш жоизки, ёшларни маънан ва жис-



монан камолотга етказиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, келажакимиз эгаларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларда «Камолот»нинг иштироки салмоқли, албатта. Жумладан, республикамизда ёшларга ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлашга ёрдам берадиган ижтимоий хизмат марказлари ташкил этилди. Келажакимиз эгаларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли фестиваллар ва кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Барча ҳудудларда ташкил этилган ресурс марказлари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан шуғулланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин:
 - аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшга тўлган эркаклар;
 - г) чет эл фуқаролари.
- Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
- Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
- Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
- Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
- Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.
- Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми куйидагича қисқартирилсин:
 - а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – учдан бир қисмига;
 - б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – тўртдан бир қисмига.
- Татбиқ этилмасин:
 - а) мазкур Қарор – ўта хавfli рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;
 - б) мазкур Қарорнинг 1-4, 6, 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.
- Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
- Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 30 ноябр

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



(Боши 1-бетда).

Келажагимиз эгаларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли фестиваллар ва кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Барча

худудларда ташкил этилган ресурс марказлари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан шуғулланмоқда. Бу борада маҳаллалар ҳамда ўқув юртларида учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда, турли қўлланмалар, кўргазмалар тарғибот воситалари чоп этилиб, ёшлар ўртасида тарқатилмоқда. Ҳаракатнинг дастурий мақсадларига эришишда ёшларнинг бевосита иштирок этишини таъминлашга аҳамият қаратилмоқда. Ёшлар етакчиларини тайёрлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларда новаторлик қўникмаларини шакллантириш билан шуғулланадиган «Етакчи» ўқув маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Марказий Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамованинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳрирдаги Низоми ва Дастури лойиҳаси тўғрисидаги ахбороти ҳам анжуман иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Боси, улар ёшлар ташкилоти фаолиятининг барча йўналишларини ўзида акс эттирувчи асосий ҳужжатлар саналади.

Янги таҳрирдаги Дастур «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширувчи олти асосий соҳани белгилаб беради. Улар — демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида маънавият ва маърифат, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этишдир.

Ташкилотнинг янги Низомида ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ёрдам марказлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини шакллантириш борасида бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий тuzилмаси, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Аъзолик ёши ҳам 28 дан 30 га қадар узайтирилган.

Албатта, буларнинг барчаси замирида ёшларимизнинг келажаги хусусида қайғурувчи, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи жамоат ташкилоти фаолиятини янада кенгайтириш, таъсир кучини ошириш, ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ишини янада жонлантириш, қисқаси, келажагимиз эгаларининг ҳар томонлама камолотга эришишига ўз ҳиссасини қўшиш масъулияти ётади. Ёшларни ҳақли равишда юртимиз, миллатимиз келажаги, деб атаймиз. Демак, маълум маънода ёшлар камолоти учун масъулликни келажақ олдидаги масъуллик билан тенглаштирсак тўғри бўлади. Келажақ эса хатоларни, айниқса, такрор йўл қўйилган хатоларни кечирмайди.

Мактуба МҮМИНОВА,
«Ишонч» мухбири

Тадбир

Шундай инсонлар борки, улар кўпроқ меҳр ва парваришга муҳтож бўлишади. Давлат гамхўрлигини ҳис этиб яшаш уларга куч-қувват бағишлайди. Айнан шунинг учун ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари ва ногиронларни ҳимоя қилиш, жамиятга тўлақонли мослаштириш юзасидан мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда муайян ишлар амалга оширилаяпти. Уларни тиббий асбоб-ускуналари билан таъминлаш йўлга қўйилган бўлиб, муҳтожларга ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва ҳасса етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, уларнинг маълумот олиши, ишга жалб этилиши, янги иш ўринлари яратиш, биноларни мослаштириш сингари ҳаракатлар ҳам бесамар қолмаяпти.

Маълумки, ҳар йили 3 декабр - халқаро ногиронлар куни бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам кенг нишонланади. Ушбу санага бағишланган бу галги тадбир Темирийўлчилар саройида бўлиб

ҳақида тўхтаб ўтилди. Халқимизнинг сеvimли хонандалари ижросидаги шўх кўшиқ ва яллалар гўзал рақсларга улашиб кетди.

Таклиф қилинган 700 нафар ногиронга, Саховат ва



КҮНГИЛЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ



ўтди. Саройнинг мухташам зали байрамона безатилган. Диллар тилга кирди. Табрик ва тилаклар янграб, йил давомида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ишлар

«Экосан» экология ва саломатлик ташкилоти, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Нуруний, Маҳалла, Болалар ва Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармалари,

Мурувват уйларидаги қариялар, республика миқёсида фаолият кўрсатаётган ногиронлар жамиятларига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бир қатор халқаро ташкилотлар,

Қизил ярим ой жамияти ва бошқа кўплаб ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам ўз совғалари билан иштирок этди.

Инсон ҳамиша яхшиликка интилиб яшайди. Бахш этилган меҳр, кўрсатилган мурувват туфайли ҳаётга муҳаббати ортади. Юқоридаги каби эзгу тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам шу эди. Эътироф этиш лозимки, бугун ана шу ният мустаҳаб бўлди.

Ҳидоят ЖҲРАЕВА,
«Ишонч» мухбири
Икром ҲАСАНОВ олган
суратлар

Моҳият

Камдан-кам учрайдиган жасорат тафаккур жасоратидир.

А. ФРАНС.

Кутлуғ сана олдида

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Наманган вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вилоят телевидениеси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб «Конституция — бош қомусимиз» номли тадбир ўтказди.

Унга шаҳар, туман олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-хунар таълимига қарашли муассасаларнинг касаба уюшма ташкилотлари етакчилари, ҳуқуқшунослар, олимлар, журналистлар таклиф этилди. Тадбирни Наманган вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси П. Паязов қисқача кириш сўзи билан очиб берди. Сўнг вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Р. Деҳқонованинг «Конституция, демократия ва миллий маънавият» мавзусидаги маърузаси тингланди.

Вилоят касаба уюшмаси кенгаши ҳуқуқшуноси В. Маматжонов томонидан уюштирилган Конституция тўғрисидаги савол-жавобларда фаол иштирок этган Наманган шаҳар 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Т. Абдуллаева, Янгиқўрғон тумани 10-умумтаълим мактаб директор ўринбосари Б. Шаҳобова, Наманган тумани 23-умумтаълим мактаб ўқитувчиси О. Холиқов ва бошқалар касаба уюшма кенгаши томонидан тақдирландилар.

Тадбир сўнгида санъаткорлар ижросида концерт намойиш этилди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК

Юнусобод туманидаги 272-мактаб жамоаси ҳамда «Юнусобод» маҳалла фуқаролари фаоллари билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган «Сиз ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?» деган мавзуда учрашув ўтказилди.

Анжуманни мактаб директори Клара Шокирова кириш сўзи билан очаркан, Конституцияда фуқаро ва давлатни ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғловчи принциплар мустаҳкамлаб қўйилганлигига алоҳида урғу бериб, барча фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини библишларини, хусусий мулк давлат муҳофазасида эканлиги, Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир фуқаро миллатидан қатъи назар, қонун олдида бирдай жавобгар эканлиги хусусида батафсил тушунтириш берди.

Тадбирда маҳалла фаоллари Назолат Абдусаматова, Мавлуда Абдуазимова, мактаб ўқитувчилари Малика Муродова ва Мавжуда Тожибоевалар ҳам сўзга чиқдилар. Нотиклар маҳалла ёшлари орасида ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан суҳбатлар, тушунтириш ишлари ўтказилиши катта натижалар бераётганлиги, шу боис ҳуқуқбузарлар сони анча камайиб бораётганлиги ҳақида гапирдилар.

Улмасхон ПҮЛАТОВА,
Юнусобод туманидаги 272-мактаб
бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

Китоб тарихидан

Ноёб қўлёзмалар хазинасидан

Қўлёзма китобнинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг яратилиши ва шаклланиши жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг шакл хусусиятлари, материали ва ўзига хос томонлари маълум даражада китобнинг тузилишини ҳам белгилаб беради. Ёзув учун Қадимги Миср, Юнонистон, Рим ва Ўрта Осиёда тош, пальма дарахти барглари, сопол ва бошқа материаллардан фойдаланилган. Ёзув материали сифатида папирус ишлатилиши билан милoddан аввалги 4-3 минг йилликларда ўрама китоблар пайдо бўлган. Милoddан аввалги 2 асрга келиб китоб материали сифатида пергаментдан фойдаланиш кенг расм бўлди. Қадимги Хоразмда милoddан аввалги биринчи минг йилликда зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авесто вужудга келди. Ушбу китоб ўн икки минг қорамол терисига битилгани маълум.

Қоғознинг кашф этилиши қўлёзма китоблар тарихида янги даврни очди. Китобнинг кўпайиши ва тарқалиши учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Қоғоздан тортиб муқовасига-

ча, сиёҳидан то бўёқлари-ю зарҳалигача маълум меъёрдаги модда, режа ва қоғда асосида тайёрланарди. Ҳатто китобдан хушбўй хид анқиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар қўшиларди. Қўлёзмалар нафис қўснихат, зарафшон (тилла суви сочиш), суви бўёқлар орқали ҳошияга нафис нақшлар берилиб безатилган.

Китобат санъати хунармандлар — қоғозрез, ҳаттот, лаввох, музаҳҳиб, мусаввир, саҳоф ва бошқалардан иборат гуруҳ томонидан бажарилган. Ўрта асрларда мусулмон ва араб тилидаги қўлёзма аънаналарга асосланган китобат санъати шу тарихқа тўлиқ шаклланди ва бу усулда китоб тайёрлаш XX асрнинг бошларигача давом этди.

Мустақиллик шарофати билан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Ясавий, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби нафақат ислом оламида, балки дунёда катта шухрат қозонган алломаларнинг ҳаёти ва ижодлари мавжуд қўлёзма манбалар асосида ўрганилмоқда. Бугунги кунга келиб қўлёзма китобларни

ўрганиш, тадқиқ қилиш ва намойиш этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тошкент Ислон университети, Ўзбекистон Муслмонлар идораси ҳамкорлигида 5 декабрда Темирийлар тарихи давлат музейида «Нодир қўлёзмалар хазинасидан» деб номланган кўргазма намойиш этилади. Ундан аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган, ёзма меросимизнинг мўъжаз бир қисми бўлган — Қуръони карим, ҳадис, тафсир, фикҳ, калом, мантик, тарих китобларга оид китоблар ўрин олади. Улар орасида кийик терисига қуфий хати билан ёзилган Катта Лангар Қуръони, Замахшарийнинг «Кашшоф» асари, Ал-Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» асарларининг ўрин олиши алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ушбу кўргазма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги тантаналарига бағишланади.

А. МИРЗАРАҲИМОВ,
Темирийлар тарихи Давлат музейи илмий ходими

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Йирик спорт мусобақаларига кетаётган ёки ундан зафар билан қайтаётган спортчиларни кутиб олиш учун аэропортга чиққанимизда бир гуруҳ ёшларнинг қўлида «Касаба уюшма спортчиларига омадлар тилаймиз», «Касаба уюшма спортчиларини қўлайимиз» каби шиорлар кўтариб олганига кўзимиз тушди. Сир эмас, жаҳон, Олимпиада ва китъа чемпиони бўлган касаба уюшма вакиллари миллий терма жамоанинг ўзагини ташкил этади. Александр Доктуровани, Дилшод Мансуров, Антон Ряхов, Равил Нечаев, Бекзод Хидиров, Жасур Матчонов, Оксана Чусовитина, Эгамназар Акбаров, Светлана Раздевил, Гўзал Хуббиева, Замира Амирова сингари спортчилар эришган ютуқлар юқоридаги фикримизнинг нечоғлик тўғри эканлигини тасдиқлайди.



ЯХШИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

Инсон туғилиб, камолатга етишида атроф-муҳитнинг ва уни қуршаб олган одамларнинг таъсири катта. Қўшни Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида Сайрам қишлоғида таваллуд топган Клара Шокиржонованинг отаси футбол ишқибози эди. Қиз дунёга келгач, Тошканбой акани Тошкентга ишга таклиф этишади.

заҳиралари ихтисослаштирилган БЎСМга мураббийлик ва раҳбарликка таклиф этишади.

— Касаба уюшмалари мактабда ишлаш мен учун мароқли бўлди. Чунки бу ерда илмий хулосаларни амалга татбиқ қилиш имкони туғилди, — дейди Клара опа. — Ўша пайтларда енгил атлетика тўғрисида

уюшмалари Федерацияси қошидаги жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Олимпия

иш давомида турли бадан тарбия машғулотларига ҳам вақт ажратишса, саломатлик учун фойда бўларди. Оила — кичкина давлат. Ҳамма нарса оиладан бошланади. Аёл соғлом турмуш тарзини тарғиб қилса, таъсири ҳам самаралироқ бўларди.

ГИПОДИНАМИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

Гиподинамия латинча сўз бўлиб, камҳаракатлик деган маънони англатади. Тараққиёт туфайли инсон камҳаракат бўлиб бормоқда. Ота-боболаримиз илгарилари беш-олти чақирим масофани пиёда юриб қўйган. Ҳозир иложи бўлса уйимизнинг олдиғача таксида борамиз, ишда кўп ўтираемиз. Жисмоний иш билан шуғулланмаймиз. Шу каби сабаблар туфайли инсоният тур-

медик бўлиши керак эди, — дейди у. — Мен келгуси рисола ва китобларимни шу киши билан ҳаммуаллифликда ёзаяпман. Чунки Клара опанинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги билимлари кўпчиликка жуда асқотади.

Клара Шокиржоновани дунё кезган аёл. Қаерда бўлмасин, турли семинар ва тренинглардан олган билим ва янгиликларни халқ оmmasига етказишга шошилади. Опанинг республика газеталарида чоп этилган турли мавзудаги мақолалари бунга мисолдир.

Яқинда Украина пойтахти Киев шаҳрида Халқаро Олимпия Кўмитаси, ЮНИСЕФ ташкилоти ва МДХ давлатлари Миллий Олимпия қўмиталари билан ҳамкорликда «ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши спорт орқали кўрашиш» мавзусидаги халқаро анжуманда қатнашиб қайтди.

— Анжуман жараёнида шунга амин бўлдимки, ОИТСга чалинган инсонларни ҳеч қачон ажратиб қўйиш керак эмас. Уларни жамиятдан ажратиш ОИТСнинг олдини олишга қаратилган ишларимизни орқага суради холос ва бунинг натижасида биз фақат ютқазамиз. Яъни, биз инсонларга қарши эмас, балки касалликка қарши курашишимиз лозим. Бунда жисмоний тарбия

ЭЗГУЛИК

СОҲИЛИКДАГИ АЁЛ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда унинг вилоятлардаги бўлимлари меҳнат жамоаларида спорт билан шуғулланишни юқори босқичга кўтариш ҳамда «Оммавийликдан — маҳорат сари» шиорини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида самарали иш олиб бормоқда. Бугун жамият аъзолари сони бир ярим миллион нафарга етиб, улар 5863 та жисмоний тарбия ва спорт клубларига бирлашган. Касаба уюшма спорт мактабларида ёшлар ва болаларни спортга жалб этиш, уларни келгусида маҳоратли спортчилар қилиб етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият қошидаги 67 та БЎСМ, 18 та ихтисослашган Олимпия заҳиралари мактаби иқтидорли спортчи ёшларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Касаба уюшмалари бошқа спорт турлари қаторида сузиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, миллий кураш, бокс сингари спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келади.

Айниқса, спортнинг енгил атлетика турига бўлган эътибор диққатга сазовор. Биргина пойтахтнинг ўзида бир неча енгил атлетика БЎСМлари фаолият юритади. Уларда минглаб болажонлар спортнинг ушбу тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Уларга фидойи мураббийлар ва спорт мутахассислари бош-қош.

— Шу-шу болалигим Тошкентнинг Лангар даҳасида ўтди, — дейди кулиб Клара опа. — Тез-тез «Спартак» стадионига отамнинг ёнига келардим. Жисмоний тарбияга қизиқиш менда шу вақтларда уйғонган бўлса керак.

Спортнинг енгил атлетика турига ихлос қўйган ёш қиз мактабни битириб, ҳеч иккиланмасдан хужжатларини жисмоний тарбия институтига топширди. Ўқишни 1972 йилда татомлаб, шу соҳада илмий иш қилишга киришади.

1973 йил Клара Шокиржоннова Москвада аспирантурада ўқишни давом эттирди.

— Ўша пайтларда ўзбек қизининг физкультура институтинида ўқиши кимлар учундир фаройиб туялган. Ҳозир ўйласам, бир ўзим ҳеч кўркмасдан шунчалар олис жойга кетаверган эканман, — дейди Клара опа.

Ёш Клара илмий ишини енгил атлетика бўйича собиқ иттифоқ жамоаси бош мураббийси А.Комарова қўл остида давом эттирди. Ўзбек қизидеги иштиёқ, илмга бўлган муҳаббат машҳур профессор В.Филинни ҳам қойил қолдирди. Ва ниҳоят, Клара Шокиржоннова 1979 йил номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Талабалик йилларида бир неча халқаро мусобақалар ва турнирларда ҳам иштирок этиб улгурган Шокиржоннова Тошкентга қайтгач, уни физкультура институтига ишга таклиф этишди. Аввалига катта ўқитувчи, кейинроқ кафедра мудири лавозимларида жонбозлик кўрсатган Шокиржонновани 1997 йилда Ўзбекистон касаба

жалб этилган ёшлар бугун терма жамоамиз ўзагини ташкил этмоқда. Шогирдларим Светлана Раздевил, Замира Амирова, Гўзал Хуббиевалар билан ҳақли равишда фахрланаман.

Ҳозирда Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида ишлаётган опани турли мусобақаларда, хотинқизлар қўмитасидаги комиссия таркибида, Миллий Олимпия қўмитаси йиғилишларида тез-тез учратиш мумкин. Шунингдек, Клара опа Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, миллий тоифадаги ҳакам ҳамда Тошкент шаҳар енгил атлетика Федерацияси вице-президенти ҳам саналади.

АЁЛ ВА СПОРТ

Клара опа Ўзбекистон хотинқизлар қўмитаси қошидаги «Аёл ва спорт» комиссияси аъзосидир. Ушбу комиссия жойларда аёллар спортга бўлган муносабатни ўрганади, аёллар ўртасида спортни кенг тарғиб қилади.

— Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор мени жуда қувонтиради, — дейди қаҳрамонимиз. — Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Кейинги йилларда Республика миқёсида ўтказилаётган хотин-қизлар спартакиада-си, «Отам, онам ва мен — спортчи оила» тадбирларининг аҳамияти катта. Касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу борада мақтовга лойиқ ишларни амалга оширмоқда.

Бу йил Клара опа ишлайдиган жисмоний тарбия институтига қиз болалар учун ҳукумат қарорига мувофиқ 221 та квота ажратилди. Бу қизлардан етишиб чиқадиган мураббийлар сони ошишига хизмат қилади.

— Аёлнинг рўзгордаги ишларининг ўзи жисмоний тарбиядир, — дейди опа. — Чунки ҳар бир аёл кунда идиш-товоқ, кир ювади, овқат пиширади. Шу ўринда муҳим бир нарсага эътибор қаратишни хоҳлардим. Аёллар бу юмушлар мобайнида доимо олдинга эгилиб ҳаракат қилади. Бу эса умуртқа погонасининг кўпроқ олдинга эгилиб қолишига сабаб бўлади. Натижада турли хил умуртқа касалликлари келиб чиқади. Аёлларимизга шуни маслаҳат берардимки, улар



ли касалликлар гирдобидида қолмоқда. Бу ҳақда Клара опа билан соатлаб суҳбат қуриш мумкин.

— Касаллик «томдан тараша тушгандек» пайдо бўлмайди. Инсон организмнинг 80 фоизи суюқликдан иборат. Нормал одам кунига 2,5-3 литр суюқлик истеъмол қилиб, уни терлаш орқали танадан чиқариб юбориши лозим, — дейди Клара опа. — Акс ҳолда бу суюқликлар касал уйғотиши мумкин. Келинг, оддий бир ҳовузни олиб кўрайлик. Агар ҳовузга сув тушиб, бошқа тарафидан чиқиб турса, суви кўм-кўк, зилол бўлади. Акс ҳолда-чи? Ҳовуз устида, халқ тили билан айтганда «бақатўн» пайдо бўлиб, сув ҳам сасиғанга ўхшаб кетади. Мана сизга организмдаги алмашилиш жараёни фойдасига ёрқин мисол. Бинобарин, соғлом бўлишни истаган киши ҳаракатда бўлмоғи лозим. Жисмоний тарбия ва спорт бу йўлда энг олий ҳакам, буюк доридир.

Суҳбатимиз айна қизиган паллада хонага ўрта ёшлардаги салобатли киши кириб келиб, опа билан куюқ сўрашди. Бу киши Андижон Давлат тиббиёт институти Ички касалликлар бўлими мудири, профессор Ибодулла Жаҳонгиров эди.

— Клара Тошканбоевна асли

ва спортнинг ўрни беқиёсдир, — суҳбатни давом эттирди у.

Халқаро анжуманда Клара Шокиржоннова мамлакатимизда спортга берилаётган катта эътибор, қурилаётган иншоотлар ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги кенг қўламадаги ишлар ҳақида гапириб, ОИТС ва ВИЧ инфекциясига қарши кураш олиб бориш самарадорлиги хусусида кўплаб мисоллар келтирди. Анжуманда, бир қатор спорт юлдузлари, жумладан, бир неча қарра жаҳон ва Олимпиада чемпионлари Сергей Бубка, Лилия Подкапаева, Алина Кабаева ва бошқалар қатнашганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

СЎЗ ИСБОТИ БИЛАН

Шундай инсонлар тоифаси борки, ўзи зўр бериб ташвиқот олиб борган ишни ўзи амалда исботламайди. Қаҳрамонимиз ундайлардан эмас. Сўз ва иш бирлиги, тўғрисиқлик, адолатга интилиш Клара опанинг қонқонига сингиб кетган.

Бир неча жамоатчилик юмушларию касаба уюшма мактабидеги фаолият, катта ўқув даргоҳидаги масъулиятли лавозимда ишлаш, яна фарзандлар тарбияси, бунинг учун аёлнинг жони қирқта бўлиши лозим.

(Давоми 14-бетда).





Шаҳарнинг соҳил бўйи даҳасида Собитхон деган (маълум сабабларга кўра

лавҳа қахрамонлари исм-шарифлари ўзгартирилган) чархчи кадрдоним бор. Айтишчи, бу унга ота мерос бўлиб, эсини танигандан бери шу иш билан шугулланади. Бугунга келиб бу хунар ҳам замонавийлашиб, барча юмушни электр осонгина бажаради. Манглайи каттик ажин коплаган кадрдоним суҳбати-жононлардан, гаплашиб тўймайсиз.

— Қарангки, куёвим оиласини ташлаб чиқиб, бошқа ёшгина қизга уйланиб олгандан бери шу чол набираларим бошини силайди, — навланган киприklarини артиб кўяркан, давом

ганидан кейин розилик берган. Ушанда ҳам кўли калталигини, қудасининг калондимоглигини эътиборга олиб, кўп соҳада тенг ола олмаслигини уқтирган.

— Муҳими, яхши одам-

Инсонийлик иқлимлари

Мен бу аёлни тонг сахар топшириқ билан туманга кетаётганимда учратдим. Оёғида махси-ка-лиш, бошида ранги уникқанроқ рўмол, ерга тикилганича анҳор ёқалаб борарди. Бир оз олдинга эгилган қадди, қадам олишлар танишроқ туюлди. Оғиз очганимча бўлмасдан машинанинг орқа ўриндиғидаги шеригим:

— Самияхон ая даштдан қайтпти, ҳар куни эрининг қабрини зиёрат қилишга чиқади, — деб қолди.

— Қайси Самияхон аяни айтяпсиз? — хаёлимда нимадир «йилт» этгандай бўлди.

— Анови машҳур Эргашев бор эди-ку, бултур оламдан ўтган, Шухрат Каримовичнинг отаси, — шеригим вилоятлардан бирида юқори лавозимда ишлаётган танишим номини айтди. Кейин аста кўшиб кўйди. — Чоли вафотидан сўнг анча чўкиб қолди бечора.

— Қизиқ, ёлғизгина ўғли нега олиб кетмаяпти экан?

Шеригим маъноли бош чайқади:

— Шухратжон ялиниб-ёлворипти. Яқинларининг айтишларича, бир гал ҳатто йиғлаптям. Унамаётганмиш. «Дадангни қандай ёлғиз ташлаб кетаман? Ҳар тонг кутади, мени. Йўлимга кўзи тўрт бўлиб ётади. Сен йўқлигингга яраша мен катнаб руҳини тинчитиб турай» деганмиш.

— Эссиз, асли машинани ортага буриб, аяни ташлаб ўтсак бўларкан.

Шеригим тагин бош чайқади:

— Фойдаси йўқ, унамайди, ўғли келганидаям тонг сахар қоронғида қабристонга пиёда чиқади. Машинага чиқишга кўнмайди.

Икковимиз ҳам ўз хаёлларимиз оғушида узоқ жим қолдик.

— Карим ака бебаҳо инсон эди-да, — фикримни бўлди суҳбатдошим. — Ёши улугларнинг таъкидлашларича, салкам эллик йил раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ўзига гард юқтирмаган экан. Фотиҳаларига борганда эътибор қилган бўлсангиз керак, отасидан қолган ўша каталакдек мерос ҳовли, эски усулда қурилган уй.

— Карим ака билардим, ҳамсуҳбат бўлганман... — шундай дейману «Мингбулоқ» сийҳатгоҳидаги унутилмас дамларни беихтиёр эслайман.

Бир сафар кеча яқин уч-тўрт оқсоқол билан сой бўйида термосдаги чайни майдалаб ўтирсак, жун рўмолга бурканган аёл яқинлашди-да, менинг ёнимдаги кўзойнакли, ҳасса тутган тўладан келган отахонга қимтинибгина деди:

Гадоқам тшмсолш

ёки қабристон йўлидаги аёл

— Соё сувида шамоллаб қолманг тагин. Ўғлингиз кечаям дадамни эҳтиётланг, деб тайинлаб кетган. Ахир белингиз...

Кампирининг дашноми олдиниға Карим аканинг жаҳлини чиқаргандай бўлди:

— Шу, хотин киши эракнинг гапини бўлмаса-да, — деди тўнғиллаб. Кейин бизга қараб ҳижолатомуз кулимсиради. — Айтганига кўнмасанг, бу ҳали боласига чақишдан ҳам тоймайди.

Сўнг биз билан хайрлашди.

Даврадагиларнинг кўпчилиги Карим акани танирди. У ўлканинг қалдирғоч тракторчиларидан бўлган. Кечки мактабни битиргани ҳамон ўқишни давом эттириб, МТС директорлигига ўсиб етган эди.

— Аниқ биламан, ўттиз йилдан ортиқ шу лавозимда ишлаган, — Карим ака кириб кетган, унинг кўл остида трактор бошқарган оқсоқол гувоҳлик беради. — Сал қаттиққўл, аммо покиза раҳбар бўлганди. Бели оғришиниям тарихи бор. Дала айланиб юриб бузуқ машинани кўриб қолган. Моторнинг устки қисмини ажратиб ерга олиб тузатишган. Бу қўрғур саккиз ботмон юк. Шофёр билан тракторчи бир томонидан, полвонроқ бўлгани боис Карим аканинг ёлғиз ўзи иккинчи томонни кўтариб олиб жойига ўрнатишган. Ҳар қанча кучи бўлгани билан, барибир, бели лат еган экан. Тузалиб кетган, деб эшитгандик. Қариганида билантирибди.

Каримжон ака кечки овқатланишга чиқмади. Суриштирсак, қон босими кўтарилган экан. Валихон ака икковимиз соё бўйида гурунглашиб ўтирдик. Ўз даврининг жонли тарихи ҳисобланган бундай одамлар билан суҳбатлашсангиз роҳатланасиз. Мавзу ҳозирги ёшларга бурилганда тўсатдан Валихон ака шундай деб қолди:

— Бир сирни очайми сизга? Лекин илтимос, шу ерда қолсин, Баъзилар туққан ота-онасининг қадрига етишмайди. Шухратжонни Карим акалар асраб олишган.

— Наҳотки? Ҳеч сезилмайди, ўз фарзандлари бўлмаганми уларнинг?

— Ҳамма бало шунда-да. Йигирма йил бирга яшаб уйларида чакалоқ йиғиси эшитилмаган. Эр-хотин Тоҳир-Зухрадек аҳил эдилар. Қарашса, тирноққа зор ўтишадиган. У даврда мен Карим ака ишлаган туманда ижрокўм раиси эдим, маслаҳат солди. Маълумладим. Тўғри қилишган экан. Шухратжон хўп ақлли йигит чиқди. Ўсиб-унсин!

...Машина ҳамон олдинга интилар экан, мен шу воқеаларни кўз олдимдан ўтказдим. Самияхон ая умр йўлдошига фақат тириклигидагина эмас, вафотидан кейин ҳам садоқатини намойиш этаётганди.

— Нима бўлганда ҳам кампир ўғлининг ёнига кўчиб боришлиги лозим эди. Ахир, кексайганда ҳувиллаган уйда ёлғиз яшаш...

— Буни ҳамма айтяпти, — фикримни тасдиқлади ҳамроҳим. — Бироқ барчанинг ўз мурод-мақсади бўлар экан. «Чолимнинг бошига экан гул кўчатларим сув кўйиб турмасам қуриб қолади» деб ваҳ-қарсон кўрсатармиш.

— Майли, кўчиб бормаса-бормас, — дедим худди Самияхон ая менинг маслаҳатимга муҳтождек. — Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмоқчи бўлган баъзи бировлар эр-хотин садоқатини шу ая мисолида кўриб юришсин.

Гоҳо бир йил, ярим йил яшаб-яшамасдан ажрашаётган ёшлар, эрининг амали сал пасайса, муомаласи ўзгарадиган аёллар, қилдан қийик ахтариб фарзандларини тирик етим қолдираётган эр-хотинлар ҳақида эшитганимда шу воқеа ёдимга тушади ва Самияхон ая сингарилардан ўрнатқилар, дея хайқиргим қолади.

Кўшнчилар

Бир сафар гапдан-гап чиқиб суҳбатимиз мавзуси инсонийлик масаласига бориб тақалди-ю Собитхон ака:

— Одамгарчилик, инсонийлик ёшга ҳам, миллатга ҳам қарамас экан, биродар, — деб қолди. — Сиз яшаётган кўп қаватли уйдан салгина берида қизим икки фарзанди билан истиқомат қилади. Уша ерда Иван Тимофеевич деган оқсоқол бор. Уша умринг узоқ бўлгур оқсоқолнинг набираларимга қилаётган меҳрибончилигини кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетади.

Иван Тимофеевични мен ҳам яхши танийман. Заҳирадаги полковник. Анча йил вилоят ҳарбий комиссариатига раҳбарлик қилган. Ёши етиб, нафақа ола бошлагач ҳам сафар тадоригини кўрмади. Бир гал шу ҳақда гаплашганимизда:

— Ақлимни таниганимдан бери шу ўлкада яшайман. Маҳаллий халқнинг урф-одатларига ўрганиб кетганман. Қолаверса, саломатлигим ўзбекистон об-ҳавосига мослашиб қолган. Хотиним билан шу ерда қолишга қарор қилдик. Болаларнинг ихтиёри ўзларида, — деганди.

Дарҳақиқат, Тимофеевичларнинг бир ўғил ва бир қизлари бўлиб, Россиянинг қайсидир шаҳарларида яшашади. Чол-кампирнинг менга, айниқса, ёққан жиҳатлари шуки, кўни-қўшнлар билан жуда иноқ. Ҳатто, улар истиқомат қиладиган кўп қаватли уйга туташ маҳаллаларда тўй-марака ўтказилса, таклиф қилишади. Иван Тимофеевич эса айтилган жойдан қолмайди. Бир сафар кўча четидеги йўлкада ўнг қўлида европача, аммо садаф қадалган ҳасса, иккинчисидега кичинтойларнинг уч филдиракли велосипедини кўтарган Иван Тимофеевични учратиб, хайрон бўлдим.

— Абдуқодир набирасига тўй қилаётган экан, таклиф қилиб кетди, — деди қулиб. — Ахир у мен ишлаган пайтда бизда ҳарбий комиссариатимиз ҳовлисидаги боғнинг тасарруфини қилган. Шунга набирасига совға олдим.

Чархчи кадрдоним Собитхон ака ана шу Иван Тимофеевич номини тилга олаётган эди...

этди кадрдоним. — Ҳар икки набирамнинг туғилган кунларида, ҳайит байрамларида совғасиз қолдирмайди. Кўпинча ҳозир бсинфда ўқийдиган тўнғич набирам Қодирни ёрдамлашасан, деб бозор қилгани бошлаб чиқиб кетаркан. Ўзи билан бир қаторда имкон даражасида уларга ҳам улуш бераркан. Ўтган йил Қодирнинг туғилган кунда фотоаппарат, кичик набирамнинг ана шундай кунда эса уч филдиракли велосипед совға қилти. Бир гал Иван Тимофеевични учратганимда ўзини бунчалик уринтиришининг зарурати йўқлиги, бунинг ўрнига ўзига керакли нарсалар олишини маслаҳат берганимда, кўл силтади:

— Ҳижолат тортманг, ошна, — деди елкамга қоқиб. — Хабарингиз бор, хотиним врач бўлиб ишлаган, мен эса юқори унвондаги офицер эдим. Шунга яраша давлат нафақа тайинлаган. Болалар, набиралар узокда, бизга муҳтожликлари йўқ. Шунча пулни нима қиламиз? Қизингиз бизга қиз бўлган, набираларингиз эса набира. — Сўнг кулиб кўйиб давом этди. — Қолаверса, набираларингиз ҳам қараб туришгани йўқ. Улар биз чол-кампирларга турли юмушларда кўмаклашишмоқда.

Собитхон аканинг хотини анча йиллардан бери касалманд. Ўзининг айтишчи, дори-дармон олишгаям кичикроқ оиланинг сарф-харажати кетаркан. Ўзи билан бир ҳовлида яшайдиган ўғли ҳам у даражада топармон-тутармон эмас.

— Ўғлимиз берсанг ейман, урсанг ўламанлар тоифасидан, — дейди Собитхон ака аянчли жилмайиб. — Ишлаб топадиган маоши ўз оиласининг нон билан овқат пулини аранг қолайди. Бўлмаса, олтмишдан ошиб — етмишга қараб кетаётган одам — маза қилиб кексалик гаштини сурадиган давримда кўзимга кўзойнак тақиб чархчилик қилармидим. Шулардан орттириб гоҳо қизимнинг рўзгорига иккита нон ташлаб кетишининг урдасидан чиқа олмай қоламан.

Собитхон аканинг айтишчи, куёви билан бир маҳалладан экан. Қизига ошику беқарор бўлиб, уст-ма-уст совчи жўната бер-

сиз, қизингиз яхши тарбия кўрган, биз шу жиҳатларини эътиборга тутиб келин қияпмиз, — деган эди бўлгуси қуда. — Сизни асло ҳижолатга кўймаймиз.

Аммо берган ваъдасининг урдасидан чиқиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан. Икки фарзанд дунёга келгач, Собитхон аканинг қизи ўтирса ўпоқ, турса сўпоққа, ҳайит ва байрамларда уйдан келадиған дастурхон камтарлиги учун «нон емасларнинг қизи»га айланди. Ўзлариға муносиб, «тагли», «зотли»гина, «кўрган оила»нинг қизини топиш ҳаракатига тушиб қолишди ва шундай қилишди ҳам. Аввалиға шаҳар ўртасидаги 20 сўтихли ҳовлиға «сиғишмай» қолиб, кўп қаватли уйға кўчириб чиқаришди. Сал ўтмай эса тирноқ орасидан кир қидириб топишди ва куёв кўзмунчоқдеккина икки фарзандини ташлаб чиқиб кетди.

— Мен ҳеч нарасага тўшунмайман, — дейди Иван Тимофеевич қўлларини ёзиб. — Ҳалима бир чиройли, гоёг ахлоқ-одобли, меҳнаткаш аёл. Болаларни айтинг! Салом-аликни қанда қилишмайди. Челақ кўтаргани кўрса, чопиб бориб қўлидан олади. Мактабда ўқишлари бир-биридан яхши. Шундай болаларини ташлаб ўзга аёлға уйланишга кўнгли қандай чопди экан, йигитнинг? Болалари ахир, бир кун вояға етишса, ота уларнинг кўзига қай тарика боқаркин?

Иван Тимофеевич пешонасини тириштириб тагин кўшимча қилди:

— Бунинг устиға куёв йигитнинг отасини «хожи» дейишади. — Мусулмончиликда «хожи»лар инсофли ва диёнатли, бировға зиён етказишдан кўрқадиган одамлардан бўлишлари керак-ку?

Суҳбатдошимнинг бу саволиға жавоб қайтаришга ожизлик қилдим. Ва кўксимда бир оғриқ пайдо бўлди. Тор манфаатимиз қулиға айланиб қолмаяпмизми? Майдақашликка ортиқча берилиб, гоҳида инсонийлик ва мусулмончилик чегарасидан чиқиб кетмаяпмизми? Орзу-ҳавас илинжида жондан азиз ҳисобланган болаларимиз келажагини бой бермаяпмизми?..

Самарқанд вилояти Халқ банки жамоаси

Юртдошларимизни Конституция байрами билан қутлайди. Ҳаётларида ва фидокорона меҳнатларида ҳамиша зафар ёр бўлишини тилайди.

Мустақил юртимиз доимо тинч бўлсин, хонадонингиздан тотувлик, қут-барака аримасин!

Зарафшон ирригация тизимлари Ҳавза бошқармаси жамоаси

Ўзбекистон халқини яқинлашиб
келаётган 8 декабр - Конституция
куни билан самимий қутлайди.

Баргача сизга-саломатлик,
бахтли, завқу-шавққа пўла ҳаёт
насиб этишини тилаб қолади!

Андижон Вилояти касабда уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси

Ўзбекистонда яшовчи барча
миллат ва элатларни
Конституциямиз қабул
қилинганлигининг
14 йиллиги билан қутлайди.

Азиз юртдошлар!
Ҳаммамизни байрамона
кайфият тарк этмасин.
Бошимиз узра Истиқлол
қуёши нур сочаверсин.
Сизларга соғлиқ-омонлик,
оилавий бахт-саодат,
куч-ғайрат ва янги омадлар
ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

14

Хафталик TV дастури

4-10 декабр

Душанба 4

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 "Олам ва одам" дастури: "Олов қаррида қолган тарих".
9.30 ТВ анонс.
"Болалар сайёраси":
9.35 1. "Саргузаштлар ороли".
2. "Ака-ука Гримм эртақлари". Мультсериял.
10.45 ТВ анонс.
10.50 "Бизнес янгиликлари".
10.55 "Дунё иқлими".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Дил таронаси".
11.25 "Одами эрсанг".
11.45 "Фармонбиби аразлади". Аброр Хидоятлов номидаги драма театрининг спектакли.
1-қисм.
12.55 Олтин мерос.
13.05 ТВ анонс.
13.10 "Фармонбиби аразлади". Спектакл 2-қисм.
13.55 "Дунё иқлими".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Олам ва одам" дастури: "Экспедиция". Хужжатли сериял.
15.05 "Дил таронаси".
15.15 "Ватанпарвар".
16.15 "Олтин бешик".
"Болалар сайёраси":
16.45 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Равнак" студияси намойиш этади.
17.35 "Инсон ва саломатлик".
17.55 "Оханглар оғушида".
18.00 "Муқаддас қадамжолар".
18.25 ТВ анонс.
18.30 "Филипп Марлоу". Телесериал.
19.00 "Аъло ўйинчи". Телелотерея.
19.15 "Банк ва молия хабарлари".

19.20 "Дунё иқлими".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари". Телесериал премьераси.
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 "Сарой жаҳожири". Телесериал.
23.10 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Осиёнинг барҳаёт мероси".
23.50-23.55 Тунги наволар.

YOSHLAR

17.55 Дастур очилиши.
18.00 "Шимол тафти". Сериял.
18.30 UzEX.
18.40 Қўзил ҳудуд.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 "Саломея". Сериял.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Қомусим!
20.20 Ракурс.
20.35 UzEX.
20.40 Наво-SMS.
21.05 Ўзлонлар.
21.15 "Муҳаббат дардлари". Сериял.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.40 Хинд киноси: "Ганг, сувларинг лойқаланди". 1-қисм.
00.30 - 00.35 Тафаккур нури.

TOSHKENT

17.50 Курсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм. "Қўқ сичқонча ва хумбош мушқунинг саргузаштлари".
18.05 "Телекурьер - маркет".
18.25 "Анонс".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.45 "Анонс".

18.50 "Гадалупе". Телесериал.
19.30 "Музыка SMS".
19.50 2006-йил "Хомийлар ва шифокорлар йили". "Саломат бўлинг"/рус/.
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.
20.15 "Анонс".
20.20 "Эрудит"/рус/.
20.35 Хайвонот дунёси. "Йиртқичлар жанги" 1-қисм/рус/.
21.00 "Интервью"/рус/.
21.10 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "Анонс".
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Аёл қалби".
22.20 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.
22.45 "Анонс".
22.50 Кино: "Оиласиз". 1-қисм/рус/.
00.20 - 00.25 Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT-TV

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Версия". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 "Болалар спорти".
8.50 Мультфильм.
9.00 "Талқин". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.20 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.55 "Детективлар".
10.30-13.45 XV Осиё ўйинларида. Баскетбол. Стол тенниси. Велоспорт. Сузиш. Шахмат.
17.30 "Тет-а-тет".
17.40 "Вести".
18.05 "Ким нимага қодир?".
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида)
18.50 Футбол шарҳи.
19.10 "Мени кутгин".
20.00 XV Осиё ўйинларида. Сузиш. Финал.
22.00 "Хабарлар" (узб. тилида)
22.20 Бизнинг кино: "Атрофни қор қоплаганда".
23.35 "Тунингиз осуда бўлинг"

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал "Доброе утро"
9.00 Новости
9.05 "Малахов+"
10.00 "Агент национальной безопасности".
11.05 "Сестры по крови". Многосерийный фильм
12.00 Новости
12.10 "Понять. Простить"
12.40 "Лолита. Без комплексов"
13.25 "Детективы"
14.00 Другие новости
14.25 "Контрольная закупка"

YOSHLAR

17.50 Курсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм. "Қўқ сичқонча ва хумбош мушқунинг саргузаштлари".
18.05 "Телекурьер-маркет".
18.25 "Анонс".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.45 "Анонс".
18.50 "Гадалупе". Телесериал.
19.30 Музи?а SMS.
19.50 "Муқаддас қадамжолар".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.
20.15 "Анонс".
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 Хайвонот дунёси. "Йиртқичлар жанги". 2-қисм/рус/.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига. "Репортаж".
21.10 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "Анонс".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Энг Кулгули видео"/рус/.
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.
22.45 "Анонс".
22.50 Кино. "Оиласиз". 2-қисм/рус/.
23.30 - 23.35 Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT-TV

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 "Хайвонот олами".
9.00 "Хабарлар" (узб. тилида)
9.20 "Спорт клуб".
9.30 Эркин кураш. Ўзбекистон кубоги.
10.00 "Детективлар".
10.30 "Типпи билан олам бўйлаб".
11.00 XV Осиё ўйинларида. Спорт гимнастикаси. Финал.
11.30 "Табиатшунос саҳҳати".
12.00-14.00 XV Осиё ўйинларида. Сузиш. Дюдо.
15.30 XV Осиё ўйинларида. Баскетбол. Оғир атлетика. Спорт гимнастикаси.
19.30 "Хабарлар" (рус тилида)
XV Осиё ўйинларида.
20.00 Сузиш. Финал.
21.50 Футбол. Ўзбекистон-Иордания. Та-наффусда "Хабарлар" (узб. тилида)
23.40 "Вести".
24.00 XV Осиё ўйинларида. Футбол. Катар-БАА.
01.50 Футбол. Чемпионат лигаси. Барселона-Вердер. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
03.40 "Тунингиз осуда бўлинг"

ПЕРВЫЙ

- 19.00 - "Ошикона" мусикий дастури
- 19.40 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 20.00 - "Музыкальный табассум"
- 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 21.05 - НТТ - "Эстрада навалари"
- 21.15 - НТТ - "Мулоқот ТВ"
- 21.20 - НТТ - "Янги авлод"
- 21.40 - "Музыкальный табассум"
- 22.10 - НТТ - "Сардор 2", бадий фильм (1-қисм)

Пайшанба 7

- 12.00 - Открытие программы
- 12.05 - Теле-хамкор
- 12.25 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 13.25 - "Музыкальный табассум"
- 13.40 - "Музыкальный табассум", музыкальная передача
- 14.00 - Художественный фильм - "Поле для голубя", детектив
- 15.30 - "Детская передача"
- 16.00 - "Музыкальный табассум"
- 16.45 - "Теле-хамкор"
- 17.00 - "Лучшие песни от До-Ми-Соль"
- 17.30 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 18.05 - НТТ - "Болалар соати", мультфильм
- 18.30 - НТТ - "Клип"

- 18.40 - НТТ - "Бахтимиз камуси"
- 18.50 - НТТ - "Киноконцерт"
- 19.00 - "Ошикона" мусикий дастури
- 19.40 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 20.00 - "Музыкальный табассум"
- 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 21.05 - НТТ - "Бахтимиз камуси"
- 21.20 - НТТ - "Парламент соати"
- 21.40 - "Музыкальный табассум"
- 22.10 - НТТ - "Сардор 2", бадий фильм, (2-қисм)
- 22.50 - НТТ - "Юргом жамол"
- 22.55 - НТТ - "Масхабаб", бадий фильм

Жума 8

- 12.00 - Открытие программы
- 12.05 - "Теле-хамкор"
- 12.25 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 13.25 - "Музыкальный табассум"
- 13.40 - "Музыкальный табассум", музыкальная передача
- 14.00 - Художественный фильм "По щучьему велению", сказка
- 15.30 - "Ошикона" мусикий дастури
- 16.10 - "Детский час"
- 16.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 17.00 - "Лучшие песни от До-Ми-Соль"
- 17.30 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 18.05 - НТТ - "Болалар соати", мультфильм
- 18.30 - НТТ - "Муллоқот навалари"
- 18.40 - НТТ - "Турмуш норракаларида"
- 19.00 - "Ошикона" мусикий дастури
- 19.40 - "Теле-хамкор"
- 20.00 - "Музыкальный табассум"
- 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилши

- 21.05 - НТТ - "Клип"
- 21.15 - НТТ - "Бахтимиз камуси"
- 21.20 - НТТ - "Ватан ҳақида суз"
- 21.40 - "Музыкальный табассум"
- 22.10 - НТТ - "Сардор 2", бадий фильм (3-қисм)
- 22.50 - НТТ - "Она диверсия куллайман"
- 23.00 - НТТ - "Маргилол"

Шанба 9

- 9.00 - Открытие программы
- 9.05 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 9.20 - "Музыкальный табассум"
- 9.40 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 10.40 - "Документальный фильм"
- 11.40 - "Музыкальный табассум"
- 12.20 - "Ошикона" мусикий дастури
- 13.00 - Художественный фильм - "Доспехи бога", комедия
- 14.30 - "Болалар соати"
- 15.30 - "Музыкальный табассум"
- 16.00 - "Лучшие песни от До-Ми-Соль шоу"
- 16.30 - "Музыкальный табассум"
- 16.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 17.00 - "Музыкальный табассум"
- 17.30 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 18.05 - НТТ - "Болалар соати"
- 18.30 - НТТ - "Эстрада калейдоскопи"
- 18.40 - НТТ - "Биз билган ва билмаган дунё"
- 19.00 - "Ошикона", мусикий дастури
- 19.40 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 20.00 - "Хит-парад - плюс"
- 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 21.05 - НТТ - "Экран фикр", "Худуд"
- 21.30 - "Шоу-бизнес янгиликлари", инфомацион дастур
- 22.00 - НТТ - Хит фильм - "Чандни", (рус тилида)

Якшанба 10

- 9.00 - Открытие программы
- 9.05 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 9.25 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 10.00 - "Музыкальный табассум"
- 10.25 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 10.45 - Художественный фильм - "Доспехи бога 2", комедия
- 12.40 - "Музыкальный табассум"
- 13.00 - "Теле-экспромт" - передача о кино
- 13.20 - "Хит-парад - плюс" повтор передача
- 14.20 - "Шоу-бизнес янгиликлари", инфомацион дастур
- 14.50 - "Болалар соати"
- 15.20 - "Аёллар орауни", познавательная передача
- 15.50 - "До-Ми-Соль шоу"
- 16.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 17.00 - "Музыкальный табассум"
- 17.30 - "Музыкальный табассум" музыкальная передача
- 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 18.05 - НТТ - "Якшанба оқшомида", мусикий дам олий дастури
- 18.35 - НТТ - "Судбина", мунис аёллар курсатуви
- 19.00 - "Теле-хамкор", фойдали газета
- 19.20 - "Ошикона", мусикий дастури
- 20.00 - "30 кадр" - развлекательная передача
- 20.30 - "Музыкальный табассум"
- 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилши
- 21.05 - НТТ - "Народная арена", ток-шоу
- 21.40 - "Музыкальный табассум"
- 22.10 - НТТ - "Жаҳон кино юлдузлари якшанба кино оқшомида"

TV-MARKAZ

Душанба 4

- 07.00 "Премьера" (узб.)
- 07.20 Узбек навалари
- 08.00 "Премьера" (рус.)
- 08.20 "Сайлинг"
- 08.35 Узбек навалари
- 09.00 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 16-серия
- 09.50 Мировые хиты
- 10.00 Узбек навалари
- 10.45 Мировые хиты
- 11.00 Кино-SMS. Фильм-победитель прошлой недели.
- 13.00 Мировые хиты
- 13.30 Узбек навалари
- 15.00 Телеяния
- 15.45 Мировые хиты
- 16.30 Узбек навалари
- 17.00 "Судьбы-Таджиклар"
- 17.30 Микст-концерт
- 18.00 Премьера (узб.)
- 18.20 Узбек навалари
- 19.00 Премьера (рус.)
- 19.20 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 17-серия
- 20.10 Мировые хиты
- 21.00 Узбек навалари
- 22.00 Комедия по понедельникам. Худ. фильм "СЛУЖЕБНЫЙ РОМАН"
- 00.45 Миксер

Сешанба 5

- 07.00 Марказ NEWS (узб.)
- 07.10 Узбек навалари
- 08.00 Марказ NEWS (рус.)
- 08.10 Мировые хиты
- 08.30 Узбек навалари
- 09.00 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 17-серия
- 09.50 Мировые хиты
- 10.00 "

Мушоҳада

Нафсониятини билмайди-ган, кадр-қимматини паст баҳолайдиган киши ночор саналади. Шундай экан, ўзига нисбатан ориятлилик, ҳурмат ҳар бир кишининг биринчи галдаги шиорига айланиши керак. Ахир, ўзига ишонмай, иззати, гурур ва номусини сақламай миллий, маънавий ва чин инсоний бойликларга етишиб бўларканми? Ватандан четдами, эл орасидаги иснод келтирадиган ишлардан ўзни тия олмаслик вақти келиб иснодга, ҳаттоки миллат иснодига айланиши мумкин.

Яқинда бўлиб ўтган бир воқеа туфайли қўлимга қалам олишга жазм этдим. Самарқанд-Бухоро йўналишидаги машинага ўтирдим. Бир маҳал ёшроқ, барваста бир йигит “ака, илтимос, фалон манзилга элтиб қўйинг. Кира ҳақини уйдан олиб бераман” дея ҳайдовчига ўтини қолди. У анча ҳорғин, ёқавайрон, соч-соқоли ҳам ўсиб кетганди. Ҳайдовчи унга савол билан боқди:

— Бошингизга бирор иш тушдими, ука, бироз хафа кўринасиз?

— Ҳа, — йигит қисқа жавоб билан сўхбатни узиб қўйди. Кейин эса ёнидагиларга бир-бир қараб давом этди. — Менинг дардим оғир. Эрта баҳорда қўшни давлатда ёлланиб ишлаб юрардим. Меҳнатимга яхши ҳақ тўлашади. Шунинг учун ёш хотинимни ҳам олиб кетдим. Шайтон йўлдан урдими, фақат пулнинг ҳисобкитобини, тушумни ўйлаб юраверибман. Бирор ой ишладим. Яқинда хуфтонда уч-тўрт нафар маҳаллий йигитлар мени четга чақириб, ўртага олиб аёвсиз дўппослашди. “Жонингдан умидинг бўлса, хотинингни ташлаб, ҳозирроқ қорангни ўчир. Акс ҳолда номининг, ҳатто жасадингни ҳам ҳеч ким тополмайди”, деб



Ориятнинг бозори қайда?

шарт қўйишди. Бир амаллаб қочиб кетишга муваффақ бўлдим. Чунки улар ўлдиришдан ҳам қайтмасди...

Унинг сўзларини эшитиб ўйга толдим. Олис, бегона юртларда кўзлари жавдираб қолган гулдек келинчакнинг ҳоли не кечдйкин? Жон ҳовучлаб, фақат ўзини қутқарган эр унинг шаънини ҳимоя қилмагани туфайли қандай маломатларга қолади ҳали?

Пайариқ тумани худудидан ўтаётган бошқа бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Хонадонлардан бирида 4-5 нафар тўн кийиб, белига белбоғ боғлаган ғамнок кишилар турарди. Бизга изоҳ беришларича, Россия Федерациясига ёлланиб иш-

лаш учун кетган шу оила фарзандининг жасадини бугун олиб келишар экан...

Мўмай даромад илинжида “узоқнинг дони”ни орзу қилиб, юрт оша кетган алп ўғлонларимиз қанчадан қанча. Лекин ўша ғайри элатларда ҳам меҳнатга дош берган, ўзига ишонганларгина ҳақларини ажратиб олишмоқда. Аксарият ҳолларда эса алданиб, ёхуд қул каби “сотилиб”, дарбадар юришибди. Буни қайд этиш жуда оғир. Негаки, алдов ва ёлгон ваъдаларга учиб, қўшни республикаларга ёлланиб ишлашга кетган йигитлар, уларнинг йўлига кўзи тўрт бўлган аёллар ҳақида кўп эшитиб қоламиз. Вазмин, мулоҳазали бир

ҳамқишлоқ укамиз бор эди. Қўли ширин пазанда эди. Гапдан гап чиқиб, озроқ пул топиш учун Тошкентнинг “Кўйлик” мардикор бозорига бориб қолади. Ишонувчан, андишали йигит эмасми, бир “ишбилармон” аёлнинг ҳавойи ваъдасига ишониб, Тошкентдан Россиянинг Омск ўлкасига ишлашга кетади. Орадан икки-уч ой ўтиб, алданганини, қул қилиб сотилганини англаб етган йигит яқинларига атиги икки марта телеграмма қилиш иложини топган. Ундан кейин қилган бир кўнгирағи чоғида уйдагилари унинг таъқиб остида сўзлашаётганини сезиб қолишади. Беаёв вақтнинг яна уч

фирмалар орқали амалга оширишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Меҳр кўзда” кўрсатуви режиссёри ва ташкилотчиси Асрор Аброрхўжаев мулоҳазаларида ҳам бесамар қолиб кетаётган дардли жудоликларга ана шундай ачинишни сездик. Фуқаролар ўзини изтироблар гирдобига топширишдан олдин бу қадамлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини наҳотки ўйлаб кўришмаса?

Инсон ўз кучига ишонса, қаерда бўлмасин бошлаган ишида, албатта, яхши натижаларга эришади. Ахир ён-атрофимизда ўз ишбилармонлиги билан ҳалқига, юртига наф

Нигоҳ

Индонезия дунёдаги икки йирик уммон - Тинч ва Ҳинд океанлари кесишган жойда, жаҳонда энг катта ҳисобланадиган Малай архипелагинда жойлашган минглаб ороллардан иборат мамлакатдир.

Шу йилнинг декабрида Индонезия Ўзбекистон мустақиллигини тан олганига роппа-роса 15 йил бўлади. Айнан мана шу сана муносабати билан муҳтарам ўқувчиларни мазкур эртасимон мамлакат бўйлаб ўзига хос «сабҳат»га чорлашга жазм этдик.

Ороллар мамлакати

Индонезия роппа-роса 17 минг 508 та оролдан ташкил топган. Унинг номланиши «Indos» ва «Nesos» сўзларининг бирикишидан келиб чиққан бўлиб, улар «Ҳиндистон яқинидаги ороллар» маъносини англатади. Дарҳақиқат, мазкур оролларга биринчи бўлиб келиб жойлашган аҳоли ҳиндлар ва бирмаликлардир. Сўнгра эса уларга Жанубий Хитой ва Ҳиндихитойдан келган малайлар қўшилишган.

Индонезия кўплаб халқларнинг ранг-баранг маданияти ва тилларини ўзида мужассам этган. Мамлакат худудидаги аҳоли сўзлашадиган 300 дан зиёд тил ва шевааларнинг аксарият қисми малай-полинезия тиллари гуруҳига мансубдир. Шундай бўлишига қарамай, бутун мамлакат аҳолиси малай тилига жуда яқин бўлган расмий тил - Bahasa Indonesia тилида сўзлашади.

Индонезия жаҳоннинг энг «вулқонли» мамлакатларидан бири ҳамдир. Унинг худудидаги 400 дан ортқ вулқоннинг 100 таси фаол вулқон ҳисобланади.

Узоқ ўтмишда - музликлар даврида дунё океани сатҳи кескин пасайганида Ява, Суматра, Калимантан ва Бали ороллари қуруқликнинг Осиё қитъаси билан қўшилган ягона қисмини ташкил этар. Ириан Джая, Ару ва Австралия улардан ажралган эди. Буни Индонезиянинг ранг-баранг ҳайвонот дунёсидан ҳам билса бўлади - мамлакатнинг бу бурчагида мавжуд бўлган айрим ҳайвонлар унинг нариги бурчагида учрамайди. Масалан, кенгуруни фақат Ириан Джая оролида учратиш мумкин, бошқаларида эса йўқ.

Мамлакатнинг этник таркиби ҳам фавқулодда турфа хил. Мамлакатда жами 350 миллат ва элат вакиллари яшайди. Аҳолининг 88 фоизи ислом, 8 фоизи насронийлик, 2 фоизи ҳиндуизм ва 1 фоизи буддавийлик динига эътиқод қилади. Мамлакат худуди 27 вилоятга бўлинган бўлиб, 1,9 миллион квадрат километр тақрибан эҳди, Индонезия 242 миллион кишидан иборат аҳолиси билан дунёда тўртинчи ўринни эгаллайди.

Ўтган йили индонезияликлар мамлакат мустақиллигининг 60 йиллигини кенг нишонлашди. Ўтган йиллар давомида Индонезия ярим феодал, мустамлака мамлакатдан эркин, суверен давлатга айланди, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди, ўз иқтисодиёти, қишлоқ ҳўжалигини нафақат тиклаб олди, балки уларни ривожлантир-

Сиқилган газ ва ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналар қурилди, металлургия комбинати, Асахан дарёсида Жануби-шарқий Осиёдаги энг катта гидроэнергетика мажмуи барпо этилди ва ҳоказо... Индонезия каучук ишлаб чиқариш бўйича ҳам дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. У йирик тропик ёғоч экспортчиларидан бири.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик даври мобайнида Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида илқ дўстона муносабатлар ўрнатилди.

1991 йил 28 декабрда Индонезия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди. Дипломатия муносабатларимиз эса 1992 йил 23 июндан бошланган. 1994 йил май ойидан буён Тошкентда Индонезия элчихонаси, 1996 йил декабрдан бери Жакартада Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Индонезия - президентлик бошқарувига асосланган унитар республикадир. Президент - давлат раҳбари бўлиб, у ҳукуматни шакллантиради, қуроли кучларнинг олий бош қўмондонини ҳисобланади. Қонунчилик ҳокимияти эса икки палатадан, яъни Халқ вакиллари кенгаши ҳамда Худудий вакиллар кенгашидан иборат Халқ маслаҳати конгрессига тегишли.

Мамлакат кўплаб табиий қазилма бойликлар захираларига эга. У ерда нефт, табиий газ, кўмир, қалай, мис, никел ва олтин қазиб олинади.

Қазилма ва қайта ишлаш sanoati иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидир. Шунингдек, кемасозлик, самолётсозлик, нефтқимё, автомобилсозлик, илғор технологиялар базасида электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам ривож топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1992 йилнинг июн ойида давлат ташрифи билан Индонезияда бўлган чоғида Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги Қўшма коммюнике, икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланган эди. 1995 йил апрел ойида эса Индонезия Республикаси Президенти Сўхартонинг Ўзбекистонга давлат ташрифи амалга оширилди.

Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш мақсадида 2002 йил сентябр ойида «Ўзбекистон - Индонезия» Дўстлик жамияти таъсис этилди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 2001 йилдан буён индонезия тилини ўрганиш Маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу илм даргоҳида 20 нафар талаба дўст халқнинг тилини ўрганаётир. Индонезиянинг Тошкентдаги элчихонаси Марказга компьютер техникалари, зарур адабиётлар, аудитория ускуналари ва таълим олишга алоқадор бошқа жиҳозлар таъсис берди.


Самарқанд Давлат жаҳон тиллари институтида эса Индонезия тили ва адабиёти кабинети очилган бўлиб, у ерда ҳам факультатив фан сифатида индонезия тили ўргатилмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги алоқалар даражаси юқорилигидан, ҳар томонлама муносабатларимиз порлоқ истиқболга эга эканидан далолат беради.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси


Нуробод тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси

*Мушаккил Ўзбекистонимизда яшаётган
барча миллат ва элаларни
бош қомусимиз ~ Конституция байрами
билан муबारакбод эшадим.
Хонадонимиздан файзу барака
арimasин, шимил, осуда хайит
доимо ёр бўлсин.*



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — умумхалқ байрами билан муборакбод этади. Халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлатимиз томонидан муҳофаза ва ҳимоя қилинаётган, тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган дориломон кунларда уларга ва оила аъзоларига сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, ишларида янада улкан муваффақиятлар тилайди.





Эзгулик соҳилидаги аёл

(Боши 3-бетда).

— Уйда ошхонадан чиқмайман. Сабаби сизга маълум. Оиламизнинг барча аъзолари спортчи, курашчи полвонлар. Улар яхши каллорияли овқат емаса бўлмайди, — дейди опа.

Опа элга машҳур полвон Аъзамжон Шокиржонов билан икки нафар ўғлонни вояга етказмоқда.

Каттаси Темур 1988 йил таваллуд топган. У ўзининг туғилиши ҳақида «Ҳн беш фарзанд ҳимояси» номи остида чоп этилаётган автобиографиясида шундай ёзади. «Отам билан онам турмуш қуришгач, 7 йил фарзанд кўришмаган. Отам миллий кураш билан шуғулланади. Ҳар йил май ойида Қирғизистоннинг Навхат деган жойида полвонларнинг сайли бўлар экан. Отам ўша полвонлар баҳсида қатнашиб, кўп йиллар ғолиб чиққан эканлар. Ҳар қатнашганда кураклари ер кўрмагач, навхатлик кекса отахон, ғалаба билан кутлаб, йиғилган халойиққа: — Биродарлар, бу йигит тошкентлик Аъзам полвон бўлади, бошида Ватани, бағрида аёли, атрофида дўстлари бор. Фақат фарзанди йўқ. Келинлар, шу йигитни кўплашиб дуо қилайлик, келаси йили полвонлар сайлига ўғлони билан келсин, дейди. Минглаб одамлар «Омин» деб қўлларини фотиҳага тортишибди. Кўпнинг дуоси хўб, деганлари рост экан. Келаси йили Навхатга отам билан онам мени кўтариб боришибди».

— Ўғлимга Темур, деб буюк соҳибқирон бобомизнинг исмини қўйганман. Ўша вақтларда Темур шахсига назар бошқача эди. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига Темур эмас «Тимур» деб ёзишганда, атайлаб бориб алиштириб келгандим, — дейди опа.

Опанинг ўғилларига ҳамма ҳавас билан қарайди, Темур болаликдан спортнинг белбоғли кураш, корейсча «сирим», дзюдо турлари билан шуғулланиб келди. Шу йил Эронда ўтган «Алиш» кураши бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони.

— Балки Паҳлавон Маҳмуд каби аждодларимизнинг томирига туташлигим бордир, балки отам Аъзам полвонга тортгандирман. Ҳар ҳолда кичиклигимдан ўзим тенгилар, ўзимдан катталар билан кураш тушиб келаман, — дейди Темур. — Одамнинг яхши кўрган машғулоти, қизиққан соҳаси бўлса, ҳаёт ҳам гўзал кўринар экан. Мен спорт билан шуғулланаман. Ортиқча нарсага вақтим йўқ. Мақсадим Олимпиада ўйинларида қатнашиб, юртимиз шаънини янада юксакларга кўтариш.

Алпқомат йигитнинг бу сўзлари амалга ошгай, насиб этса. Чунки унинг қонида полвонлар қони бор.

Кези келганда Клара опадан турмуш ўртоғи Аъзамжон ака ҳақида, у кишининг актёрлик иқтидори ҳақида сўраймиз.

— У киши мени доимо қўллаб келадилар. Агар у киши «ишламайсан, уйда ўтирасан», деганда нима қилардим. Уларни «Лафз» деган фильмга таклиф этган режиссёрлар роса одамини топишган. Аъзамжон ака ўша фильмдагидек, анча содда, жуда меҳрибон инсонлар. Доимо, одамларга яхшилик қилишдан чарчамайдилар, — дейди опа.

Оиланинг яна бир аъзоси Бобур ҳозир Республика Олимпия заҳиралари коллежининг 1-курсиди ўқийди. У спортнинг белбоғли кураш, енгил атлетика турлари бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг аъзосидир.

Олимпларнинг кузатишича, инсоннинг исми охир-оқибат унинг феъл-атворида таъсир этаркан. Клара — бу тиниқлик, мусаффолик дегани. Зеро, опанинг характерида ҳам, қилаётган ишларида ҳам эзгуликни кўриш мумкин.

— Биз буюк аждодлар авлодимиз. Абу Али ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Амир Темур бу сиймолар ўз миллати равнақа, бахт-саодати учун жон куйдирганлар. Биргина Паҳлавон Маҳмудни олайлик. Ҳинд диёридан ўз белбоғи билан қанча асирларни озод этган. Биз уларга муносиб фарзандлар бўлишимиз, Ватанимизни ёмон кўзлардан доимо асрашимиз лозим, — дейди Клара опа.

Опанинг айтишича, инсон миясида туғилган ҳар қандай эзгу фикр, яхши ният алал оқибат ўзига шерик бўлар экан. Бу фанда исботланган ҳулоса. Халқимиз яхшидан бог қолади, деб бежизга айтмаган. Бог ўзидаги япроқлари орқали кислород чиқариб, ҳаётни бардавом эттиради. Агар кислород бўлмаса, ҳаёт тугайди. Бу оддий фалсафа.

Клара Шокиржонова ўйлаган орзуларига етишган, яхши кўрган касби, вафодор ёри, оқил фарзандлари бўлган «бадавлат» аёл. У ўзидаги барча эзгу хислатлар меҳрибон волидасидан кўчганлигини кўп бор таъкидлайди. Афсуски, бу нурли кўнларни унинг онаси кўрмади.


— Меҳрнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Она меҳри дунёдаги энг буюк хислат. Доимо бир-биримизга меҳрли бўлайлик, — дейди опа хайрлашув чоғида.

Абдулхай ЮНУСОВ

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

АССАЛОМ, XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ!

Юртимизда кумуш қишнинг биринчи куни бошланиб, атроф оппоқ қорга беланган паллада Қатар пойтахти Доха шаҳрида XV Осиё ўйинларига старт берилди. Гарчанд, айрим жамоавий спорт турлари бўйича мусобақалар анча олдин бошланган бўлса-да, расмий очилиш маросими кеча бўлиб ўтди.



Ўзбекистон терма жамоаси «кичик Олимпиада»га 246 спортчи билан ташриф буюрди. Улар орасида шоҳмот бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси совриндори Рустам Қосимжонов, ўсмирлар ўртасида Уимблдон ҳамда Осиё чемпиони Ирода Тўлаганова, дзюдо ва миллий кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони Абдулла Тангриев, кас-

ба уюшма спорт мактаби вакиллари — Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, Осиё ўйинлари ғолиби, сузувчи Равил Начаев, эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, енгил атлетикачиларимиз Светлана Раздевил, Гўзал Хуббиева, Замира Амирова ва бошқа таниқли спортчилар бор.

Ўтган галги Осиё ўйинларида бешинчи ўринни эгаллаган вакилларимизнинг шашти янада баланд.

Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки таркибида шундай кучли спортчилар бўлган жамоадан фақат ғалаба кутишга ҳақлимиз. Шундай бўлди ҳам, дастлабки зафар қўлга киритилди.

Ўйинлардаги иштирокини анча илгари бошлаган баскетболчиларимиз саралаш босқичида Мўғулистон ва Фаластин терма жамоаларини мағлуб этиб, асосий гуруҳ баҳсларига йўл олди.

Футболчиларимиз илк ўйинда Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, 1994 йилги Осиё ўйинларидаги муваффақиятни эсга солдилар.

Ўзбекистон терма жамоаси спортнинг 32 тури бўйича Осиё ўйинларида иштирок этади. Илк марта ушу, гандбол, шоҳмот, транплин, сувга сакраш, боулинг, эркин кураш (аёллар) турларида спортчиларимиз ўз омадларини синаб кўради.

ЯНГИ КУБОК — ФАРҒОНАЛИКЛАРДА



Нимасини айтасиз, ҳамма ёқ либосга бурканган дамда иссиққина спорт залда футбол ўйнашнинг гашти бошқача-да.

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежиде 28-30 ноябр кунлари

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг кўчма кубоги учун бўлиб ўтган мини футбол мусобақалари ниҳосига етди.

Қизгин курашлар остида ўтган мусобақаларда ярим финалга етиб келган «Фарғонателеком», «Тошкенттелеком», «Намангантелеком», Тошкент шаҳар телефон тармоқлари (ТШТТ) жамоалари ғолиблик учун беллашди. Ўтган йилги мусобақаларнинг финалида ТШТТ жамоасига ютқазиб қўйган «Фарғонателеком» вакиллари бу сафар хумордан чиқибди. Ўйиннинг биринчи бўлимида қайд этилган 1:0 ҳисоби ўйин тугагунча ўзгармади.

Яна бир жуфтлик «Тошкенттелеком»

жамоаси «Намангантелеком» вакиллари 6:3 ҳисобида мағлуб этди. Финалда баҳслашган «Фарғонателеком» — «Тошкенттелеком» учрашувида асосий вақтда 2:2 ҳисоби қайд этилди. Пенальтилар баҳсида омад фарғоналикларга (3:1) кулиб боқди.

— Бу йил турнирнинг мукофот жамғармаси анча юқори бўлди. Финал босқичига чиққан жамоалар вакилларининг ҳар бирига «Алоқабанк»нинг пластик карточкалари берилди, — дейди Марказий кенгаш вакили Суннат Абдуғаниев. — Ғолибларга келсак, омад ҳар доим бўлгани каби кучлиларга насиб этди.

Фарғоналикларга янги кубок топширилди. Чунки олдингиси ТШТТ жамоасига бир умрга берилганди. Сабаби оддий: кубокни кетма-кет уч марта қўлга киритган жамоа мусобақа низомига кўра шундай ҳуқуққа эгадир.



Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

НАФАҚА ЁШИ УЗАЙТИРИЛАДИ

Германия ҳукумати пенсияга чиқиш ёшини 65 дан 67 ёшгача узайтирилиши ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Ушбу ҳужжат Бундестаг муҳокамасига киритилди. Охириги қарор эса келаси йилнинг март ойида қабул қилиниши керак. 2012 йилгача нафақа ёши босқичма-босқич 67 ёшгача узайтирилиши режалаштириляпти. Немис қасаба уюшмалари бу қарорни қоралади. «Миллионлаб ҳар хил ёшдаги одамлар ишсиз ҳисобланган бир пайтда, яна қаердан иш топиш мумкин», - дейди қасаба уюшма аъзоси Аннели Бунтенбах.



ҲАВО КЕМАСИДА РАДИАЦИЯ ТОПИЛДИ

Британиялик полициячилар Лондоннинг Хитроу аэропортида Бритиш Айрвайс авиакомпаниясига қарашли иккита самолётда радиоактив моддалари билан зарарланганлигини исботловчи асоратларни топишди. Би-Би-Сининг маълумот беришича, айти пайтда Москвада турган самолёт ҳам шубҳа остига олинган. Россия пойтахтига бир гуруҳ экспертлар келиши кутилмоқда. Улар Боинг-767 самолётида радиоактив моддалар асоратлари борми-йўқми текшириб кўришмоқчи.




ОСМОНЎПАР БИНО

Дунёда биринчи бўлиб ўз ўқи атрофида айланувчи осмонўпар бино Дубайда қурилмоқчи. Британиялик муҳандис Ник Коббернинг хабар беришича, «Таймс резидент» минорасини айлантирувчи механизм бинони секундига 5 миллиметр тезликда айлантиради. Бир кунда мўъжизавий бино 52 градусга айланади. Бир ҳафтада эса бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Энг кизиги, бинони анъанавий электр энергияси эмас, қуёш энергияси ҳаракатга келтиради.

ОЛАЁТТАН НАФАСИМИЗГА ПУЛ Тўмаймизми?

Мегаполис ҳисобланган ночор экологияли шаҳарларда тоза ҳаводан нафас олиш анча муаммоли ҳисобланади. Бу эса тоза кислородга эҳтиёж туғилишига олиб келмоқда. Узоқни кўзлаб иш кўрувчилар бу хил эҳтиёжларни қондиришнинг ажойиб усулини топишди. Улар кислород савдосини йўлга қўйишди. Оxia номи остида махсус, кўп марталик кислород билан тўлдирилган шиша идишлар Нью-Йоркдаги Bergdorf Goodman магазинида 70 доллардан сотила бошланди. Бу идиш ўзида тахминан 40 та «нафас»ни сақлаётган. Тугаган идишларни яна қайтадан



тўлдириб бериш учун 15 доллар тўласангиз бас. Ким ҳам сотиб оларди, дея ўйлаётгандирсиз. Оxia компаниясининг асосчиси Брис Маргетс хабарига кўра, Аэросмис рок-группасини хонандаси Стив Тайлер доимий харидорга айланибди. Шунинг таъкидлаш керакки, Оxia кислороди бошида стресслар билан оғриган, шунингдек, сайёҳатчилар учун, кунлик ритмларни бузилишида қийинчиликларни бошидан кечираётганларга мўлжалланган эди. «Бундан йигирма йил олдин тоза ичимлик суви билан савдо бўлган бўлса, энди уни ўрнини кислород эгаллади» дейди Б. Маргетс.

АСАЛАРИЛАР ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Нью-Мексика штатидаги лабораторияларнинг биридаги америкалик олимлар асалариларни ҳархил портловчи моддаларни ҳид билиш орқали топишга ўргатди. Лойиҳа муаллифларининг сўзларига кўра, асаларилар билан ўтказилган машгулотларга 18 ой сарфланган. Асаларилар портловчи моддаларни аниқлашга эришишгач, уларга мукофот тарзида ширин сув берилди. Бу махсус ўргатилган ҳашаротлар берилган вазифани уддалаши анча самарали. Сабаби уларнинг ҳид билиш сезирлиги жуда яхши. Асалариларни ўргатишга бор-йўғи 2 соат сарфланади, кейин уларни «жанг майдонига» юборса бўлади. Бу ҳашаротлардан портловчи моддаларнинг детектори сифатида ўргатилгандан сўнг икки кун фойдаланиш мумкин. Шундан сўнг уларни қўйиб юбориш керак, дейди муаллифлар. Америкалик ҳарбий экспертларнинг таъкидлашича, келажакда асаларилардан Ироқда АҚШ хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш мумкин.

ТАШҚИ ҚАРЗЛАРИДАН КЕЧМОҚЧИ


Россияга ташқи қарзлардан кечиб аёнага айланиб қолмоқда. Аввал Ироқнинг қарзидан бутунлай кечиб юборилди. Ҳиндистоннинг қарзини эса ўзига инвестиция сифатида киритди. 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридати қарзини кечиб эвазига Жазоир Россиядан 7 миллиард долларлик қурол-яроғ сотиб оладиган бўлди. РФ молия вазири бир неча ҳафтадан кейин Шимолий Корея раҳбарлари билан қарзни узиш бўйича музокараларни бошлади. Бу ҳақда РФ молия вазирининг ўринбосари хабар қилди. Унинг айтишича, Шимолий Кореянинг Россиядан қарзи 8 млрд. долларни ташкил этаркан.

АНЪАНАВИЙ ҚОГОЗГА РАҚОБАТ

Япониянинг Toshiba компанияси пластик қоғозларга чоп этувчи принтер яратди. Бу қоғозларнинг фойдаланиш муддати чекланмаган ва бир неча юз марта ишлатилиши мумкин. Бу янгилик келажакда анъанавий қоғозлар ўрнини босиши мумкин. Қоғознинг янги тури пластмассадан тайёрланган. Бундай турдаги хомашё пластик идишлар таёрлашда ишлатилади. Қоғознинг юзасига бўёқ ҳароратни сезувчи қатлам суртилган. Керакли матн юқори ва паст температурани аниқ узатувчи технология ҳисобига пайдо бўлади. Toshiba принтери бир дақиқада 12 та бет чоп этади. Компаниянинг вакили Майка Кинанинг сўзига кўра, ҳар бир пластик қоғоз 500 мартагача ишлатилиши мумкин.

ЁҚИЛҒИ «ҚОВУН ТУШИРДИ»

Танганинг икки томони бўлганидек, омаднинг ҳам буйи-басти бор. Баъзида у сизга насиб этса, баъзида эса... Айнан охиригиси билан руминиялик ўғрилар рўбару бўлишди. Улар ўз автоуловида изқуварлардан қочишга ҳаракат қилишган. Бу воқеа Бухарестда бўлиб ўтди. 27 ёшли йигит ичида 40 минг доллар пули бўлган сумкани автоуловнинг ичидан олиб қочган. Шундан сўнг у ҳамтовогининг автоуловига ўтириб, «газ педалини охиригача босган». Ўғрилар полициядан узоққа қочиб кетишолмади. Бир километр юрар-юрмас ёнилғи ўғриларга «ёрдам қўлини» чўзмади. Аниқроғи, бензин тугаб қолди. Ҳайдовчи ғойиб бўлишга улгурди, аммо ҳамма калтак сумкани олиб қочган ўғрининг бошида синадиган кўринади. Тартиб посбонлари уни жиноят устида қўлга туширишди. Энди бу йигитча панжара ортидан дунёга назар ташлайди. Бироқ, энг кизиги полиция маҳкамасида аниқланди. Ҳибсга олинган ўғрининг айтишича, жиноят пухта режалаштирилган эди. Ўғриларга қаерда ва қачон бировларнинг молига кўз олайтириш олдиндан маълум бўлган. Уларнинг автомобилга ёқилғи қўйдириш таратқудуни олдиндан кўришмагани барча «орзу»ларини пучга чиқарди.



РОССИЯГА БИТТА ТЎСИҚ ҚОЛДИ

Молдова Республикаси Россиянинг ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти)га қўшилишига шу йилнинг охиригача розилик бермоқчи. Бу ҳақда Молдова Иқтисод ва савдо вазирлигининг вакили хабар қилган. Ўтган ойда Россиянинг ЖСТга киришини АҚШ қўлаганидан кейин розилик бермаётган охириги икки давлат Молдова ва Грузия қолган эди. Улар Россия билан савдога оид муаммоларни ҳал қилинишини талаб қилишяётган эди. Чоршанба куни Минскда бўлиб ўтган МДХ саммити доирасида Владимир Путин ва Молдова президенти Владимир Воронин билан учрашиб, мамлакатнинг вноси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Россия бозорларига қайтаришни келишиб олишганини таъкидлади. Расмий Кишинев вино ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўрнатилган тақиқларни олиб ташласа, Россия ЖСТга қўшилиш протоколини имзолашни билдирган.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кенгаши Қашқадарё вилоятидаги вакили
Сапар ҲАМРАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши ўз тасаруфидати «Регионалгеология» ОАЖ бошқарув раиси
Петросянц Александр СЕРГЕЕВИЧнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг Бекобод тумани бўйича вакили Шавкат Дехқоновга ўғли
ШЕРЗОДнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



Табиат ва инсон

Нурбой бобо 86 ёшда. У Зомин туманининг мард инсонларидан. Меҳр-мурувват, тотувлик бор жойга Оллоҳнинг нури ёғиларкан. Нурбой бобо хонадонда бўлганимда шуни кўргандай бўламан.

Лайлак келиб кўнган хонадон



Бу оила лайлаклар билан дўст тутинган. Оиланинг чорва молларига ва уй ҳайвонларига меҳри баланд эканлигини зоминликлар яхши билишади. Бобонинг 69 нафар невараси, 38 нафар чевараси бор. Кўп йиллар олдин Мисирали қишлоғидаги дарахтларда лайлаклар галаси яшар эди. Улар чигиртка, кўнгиз, қурбақа каби ҳар хил жонзотларни еб яшарди. Улар орасида қандайдир касаллик пайдо бўлди, бир қисми иссиқ мамлакатларга учиб кетди. Аммо биттаси Нурбой бобо ҳовлисидаги дарахтга учиб келиб, яшай бошлади. Нурбой бобо меҳрли инсон эмасми, бир идишга мол гўшти чиқиндиларини солиб, бир идишга сув қўйиб, лайлакни меҳмон қила бошлади. Шу шу бир идишда овқат ва гўшт чиқиндилари, бир идишда сув туради. Лайлак хоҳлаган пайтда ундан танаввул қилади.

Кўкламда лайлаклар галаси иссиқ мамлакатлардан қайтаётган шу ҳовлига назар ташлаб, «ку-ку»лаб ўтишади. Куз охирида лайлаклар иссиқ мамлакатларга кетаётган, ҳовлидаги лайлакка «гап отишади». Бундан қувонган хонаки лайлак ҳовлида гир айланиб учади, овоз чиқариб, нимадир демоқчи бўлади. Ҳовлидагилар эса унинг хурсанд бўлаётганини, аммо лайлаклар сафига боролмаслигини, шу хонадон унинг Ватани бўлиб қолганлигини, осмонда учиб ўтаётган лайлакларга қувониб айтаётганлигини сезиб туришади.

Лайлак билан дўст тутинган оилага боришга жазм этдим. Зомин тумани марказидан 12 километр нарида экан. Хонадон соҳиби Нурбой бобо Ҳайдаров билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашдим. У кишининг лайлак билан дўстлашгани ва бу дўстлик қандай давом этаётганини суриштирдим.

— Оллоҳнинг амри бўлса керак, юзлаб хонадонлар ичидан лайлак фақат бизнинг хонадонни ошиён этибди, — дейди Нурбой бобо. — Лайлакка уя қуриб берганмиз. Қиш кунлари мен истикомат қилаётган уй ёнидаги хонада яшайди. Оч қолган кезлари деразамни тақиллатади. Оиламизда хавф-хатар бўлса ҳам шундай қилади. Воқеалардан олдин хабар беради. У оила аъзоларимиз билан дўстлашиб кетган. Баъзан лайлак ҳовлимиздан юз метрлар узоқликка учиб бориб, ўзига егулик топади ва тоза ҳавода сайр этади. Кейин ҳовлимизга яна учиб келади.

Лайлакка ва барча жонзотларга меҳр — табиатга меҳр демокдир. Одамларнинг унга меҳри ошаверсин! Биз ҳаммамиз шуни истаб қоламиз.

Алибой ЭРГАШЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Мунажжим башорати

(4 - 10 декабр)

Қишнинг бошланишида меҳнат қобилиятингиз янада ошади. Муваффақиятлар учун имконият пайдо бўлади. Ҳаётингизнинг янги қирралари очилади. Янги фикр ва гоёлар туғилади. Жума ва шанба кунлари яхши хабар эшитасиз. Ёрқин таассурот қолдирадиган суҳбатлар кутилмоқда. Шанба кuni дўстлар даврасида ўтади. Дам олиш кuni фаолиятингизга доир муҳим иш билан шуғулланишингиз мумкин.

Душанба кuni ўтган ҳафта воқеаси катта таъсир кўрсатади. Режалаштирган ишларингиз секин бўлса-да, амалга ошиб боради. Сешанбада шахсий ҳаётингиздаги масалалар ҳал бўлади. Чоршанба керакли нарсаларни харид қилишингиз айнаи фурсатидир. Пайшанба кuni муаммоларни четга суриб, дам олинг. Ҳафта якунида муҳим ишларни режалаштирманг, яхшиси келгуси душанбани кутинг.

Ҳафта аввалидаги икки кун қанчалик тиришқоклик билан ишламанг, натижа сиз кутгандек бўлмайди. Бироқ тушкунликка тушманг. Жума кuni ўзингизга ишонч ортиб, янада юксак мақсадларни кўзлайсиз. Дам олиш кuni қимматли маълумотлар олиб анча саволларга жавоб топасиз, саёхатга чиқасиз. Ишда, мулоқотда ёки дам олишда янги ҳамроҳ топасиз.

Душанба ва сешанба кунлари оддий ўтади. Чоршанба омадли бўлади. Режаларингиз амалга ошади. Бунда дўстларнинг ёрдами катта бўлади. Ҳафтани оиланинг даврасида ўтказасиз, қариндошлик муносабатлари мустаҳкамланади. Пайшанбада дам олиш ва ижодий иш билан шуғулланиш мумкин. Ҳафтанинг охирида асосий эътиборни фарзандларга қаратинг. Шу кунлари оилавий байрамлар ташкил қилиб хурсандчилик кайфиятини яратинг.

Ҳафта оддий кечади. Асосан молиявий ва шахсий масалалар ечимини топиши кутилмоқда. Душанба кuni имкониятлар бироз чекланган. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан катта куч билан ишга киришинг. Оилавий муносабатлар ижобий томонга ўзгаради. Соғлиқни мустаҳкамлаш учун спорт билан шуғулланинг. Дам олиш кунлари қизиқарли саёхатга чиқасиз ва кўнгилли ҳордиқ чиқарасиз.

Душанба ва пайшанбада ўтган ойни таҳлил қилиб, ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишингиз мумкин. Ушбу ҳафтада юмушингиз ортиб, бўш вақт деярли қолмайди. Лекин пайшанбада ёки жумада ўзингизни барча ишлардан бироз холи ҳис этасиз. Иш юзасидан сафарга чиқшингиз мумкин. Йирик харидни амалга оширасиз. Яқинларингизнинг кўмаги сизга қувват бағишлайди. Дам олиш кuni йўл ҳаракати қондаларига кўпроқ эътибор беринг.

Мақсадга эришиш учун етарли куч-қувватга эга бўласиз. Дўстлар орттирасиз. Иш юзасидан танишувлар бўлади. Бу эса имкониятларнинг янада ортишига туртки беради. Жиддий масалаларни ҳал қиласиз. Агар ишдаги ҳамкорларингиз маъқул бўлмаса, ҳеч иккиланмасдан улардан воз кечинг. Юридик маслаҳатлар олишингиз ва халқаро сўзлашувлар кутилмоқда.

Бу ҳафтада иккинчи ярим йилликнинг қайноқ дамлари якунланади. Сешанба кuni ҳар қандай мулоқот осон кечади. Ҳафта мобайнида яхши кайфият, омад ҳамроҳ бўлади. Ишингизда янги йўналиш пайдо бўлади. Бошқа давлатларга саёхат қилиш имкони туғилиши мумкин. Дам олиш ва янги йил байрами ҳақида ўйлашга фурсат етди.

Ойнинг бошланиши сизга омадли келади. Ушбу ҳафтада муҳим воқеалар содир бўлади. Душанба кuni атрофдагилар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг, сизни ранжитишлари мумкин. Сешанбада ўзгаларнинг илтимосини бажариш билан машғул бўласиз. Чоршанбада батартиб иш юритинг. Бир неча кишилар билан бўлган учрашувлар келгусидаги фаолиятингизга кучли таъсир қилиши мумкин.

Бу ҳафтада бирор ишни бажариш бир ўзингизга қийин кечади. Атрофдагиларнинг ёрдамига эҳтиёт сезилади. Душанба ва сешанбада ишхонада сизга унча эътибор берилмайди. Чоршанбадан ҳаммаси изига тушади. Таҳриба ва билимни намоён қилиш учун имкон пайдо бўлади. Шахсий муносабатлар ҳам яхши томонга ўзгаради. Сизни тушунадиган дўст ва ҳамкорларни учратасиз. Ҳафта охирида соғлиққа кўпроқ эътибор беринг.

Кишининг бошланиши сизга илҳом бағишлайди. Ижодий соҳада барақали меҳнат қиласиз. Яқинларингиз билан муносабатингиз яхшиланиб, ишингиз энгил ва осон кўчади. Ҳар қандай жамоада сизга нисбатан катта қизиқиш пайдо бўлади. Ҳафтанинг охирида хушxabар эшитасиз. Бу эса ишингизга ижобий томонга ўзгаришига ёрдам беради.

Бу ҳафтада шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фурсат бўлади. Душанба ва сешанбада кичик саёхат, учрашувлар кутилмоқда. Чоршанба ва пайшанбада асосий вақтингизни яқинларингиз даврасида ўтказинг. Шу кунларда қилинган хариддан кўнглингиз тўлади, тор доирада норасмий учрашувлар бўлиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишингизда ўзгаришлар юз беради. Янги мақсад ва гоёлар туғилади.

МУСАҲҲИХ ЯНГЛИШГАНДА

Гулчеҳра ойнакка қараб ҳолини (чолини) бутун вужуди билан тинглади.

Энди навбат бошларга (ёшларга).

Кири (бирни) кўриб фикр қил.

Соғ (тоғ) этагидаги шифо маскани.

Нигоҳ (никоҳ) шартномаси.

Тақдирнинг мўрт (тўрт) тухфаси.

Парваришнинг нозик калласи (палласи).

Одамлари манти (танги), урпоғи (тупроғи) ҳазина.

Чўп (кўп)нинг кўнглини топиб.

Халқаро баёт (ҳаёт).

«Синч (тинч) бўлмаган кўшниллар».

Кишга (ишга) қайтиш фурсати етди.

Ҳамма нарсани тиладиган (биладиган) йигит.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ, Андижон Давлат Тиббиёт институти ассистенти, маънавият бўлими услубчиси

Grid for 'Инсон табиати-нинг икки асосий бисоти ақл ва фикрдир.' with various words and arrows.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Table with contact information for Ishonch newspaper, including phone numbers, email, and address.